

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02.
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ШУКУРОВА ФАЗИЛАТ НАРМАМАТОВНА

**СУРУНҚАЛИ ГЕПАТИТЛАР БИЛАН КАСАЛЛАНГАН БЕМОРЛАРДА
АССОЦИИРЛАНГАН АРТРИТНИНГ КЕЧИШИ ВА ДАВОЛАШНИНГ
ХУСУСИЯТЛАРИ**

14.00.05 – Ички касалликлар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ -2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Шукурова Фазилат Нармаматовна

Сурункали гепатитлар билан касалланган

беморларда ассоциирланган артритнинг

кечиши ва даволашнинг хусусиятлари..... 3

Шукурова Фазилат Нармаматовна

Особенности течения и лечения больных

ассоциированным артритом при хронических

вирусных гепатитах..... 25

Shukurova Fazilat Narmamatovna

Features of the course and treatment of patients

with associated arthritis in chronic viral hepatitis..... 49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 52

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02.
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ШУКУРОВА ФАЗИЛАТ НАРМАМАТОВНА

**СУРУНҚАЛИ ГЕПАТИТЛАР БИЛАН КАСАЛЛАНГАН БЕМОРЛАРДА
АССОЦИИРЛАНГАН АРТРИТНИНГ КЕЧИШИ ВА ДАВОЛАШНИНГ
ХУСУСИЯТЛАРИ**

14.00.05 – Ички касалликлар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ -2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.2.PhD/Tib1157 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Каримов Маъриф Шакирович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Ахмедов Халмурад Садуллаевич
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Сабиров Максуд Атабаевич
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент педиатрия тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгашининг 2021 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тошкент тиббиёт академияси 1-ўқув биноси Мажлислар зали. Тел./факс: (+99878) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (+99878) 150-78-14).

Диссертация автореферати 2021 йил «___» _____ да тарқатилди.

(2021 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

А.Г. Гадаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.А. Набиева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

А.Л. Аляви

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда вирусли гепатитлар (ВГ) дунё миқёсида соғлиқни сақлашнинг муҳим тиббий ва ижтимоий муаммоларидан бири бўлиб, ногиронлик ҳамда ўлимнинг асосий сабабларидан бири бўлиб қолмоқда. Йирик илмий тадқиқот марказларининг маълумотларига кўра, «...гепатит С вируси (НСV) нафақат жигарнинг вирусли касалликларининг асосий этиологик омили бўлиб ҳисобланади, балки частотаси 40-74% ҳолларда кузатиладиган жигардан ташқаридаги зарарланишлар ривожланишига сабаб бўлади...»¹. Жигардан ташқари клиник белгилар, хусусан, гепатитларда таянч ҳаракат тизимининг зарарланишлари нафақат касалликнинг кечишида асосий ўринга чиқиб олиши билан, балки ногиронлик ва хатто ўлимга сабаб бўлиши мумкинлиги билан ҳам бугунги кунда тиббий ва ижтимоий жиҳатдан долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Жаҳон миқёсида гепатитлар ва унинг асоратларини эрта аниқлаш ҳамда олдини олиш бўйича кенг қамровли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бир қатор муаллифлар фикрича, гепатит С вируси аутоиммун реакциялар, яъни тизимли жараёнлар ривожланишига ва артритоген таъсирга эга бўлиб, бу эса унинг клиник кўринишларини турли мутахассисликдаги шифокорлар олдида турган долзарб муаммолардан ҳисобланади. Шунинг учун ҳам, ҳозирги вақтда сурункали НСV инфекцияси - тизимли касаллик ҳисобланиб, сурункали вирусли гепатит С (СВГС) ва унинг жигардан ташқари клиник кўринишлари ўртасидаги ўзаро боғлиқлик жиҳатларини баҳолаш, профилактика ҳамда даволаш чораларини мувофиқлаштириш, самарадорлигини ошириш бўйича тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада НСV билан боғлиқ артрит (НСVaA) ривожланиши, клиник кечиши ва даволаш тамойилларини баҳолаш ҳамда ушбу чора-тадбирларни такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимиз тиббиёт соҳасини ривожлантиришга, жумладан, аҳоли орасида турли даражадаги сурункали касалликлар тарқалишини, уларнинг асоратларини камайтириш ва олдини олишга қаратилган кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. «...Мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, касалликларни эрта ташхислаш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш, патронаж хизматини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни олдини олиш...»² каби вазифалари белгиланган. Юқорида қайд этилган вазифалар сурункали вирусли гепатитлар билан касалланган беморларда ассоциирланган артритнинг кечиши ва даволаш хусусиятларини баҳолаш орқали касалланиш ва оғир асоратлар ривожланишини олдини олишга, ногиронлик ҳамда ўлим кўрсаткичларини камайтиришга, даволаш тамойилларини такомиллаштиришга хизмат қилади.

¹ С. Ferri et al / Autoimmunity Reviews 15 (2016) 1145-1160.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сонли «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590–сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора–тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги» қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва техника тараққиётининг асосий устувор йўналишларига мувофиқлиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналиш VI. "Тиббиёт ва фармакология" йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. СВГС ташхисли беморларда гепатитнинг жигардан ташқари клиник кўринишлари, жумладан ассоциирланган артритнинг хусусиятларини ўрганишга қаратилган тадқиқот ишлари дунёнинг кўплаб етакчи тадқиқот марказлари ва олий ўқув юртлари томонидан амалга оширилган. Сурункали гепатит С ташхиси қўйилган беморларда ассоциирланган артритни кечиши ҳамда даволаш бўйича бутун дунё бўйлаб ўтказилган тадқиқотлар натижасида, бу мураккаб касалликни кечиши ҳамда даволаш натижаларини яхшилаш учун турли ечимлар таклиф этилади. Қатор олимларнинг тадқиқотлари гепатитнинг асосий жигардан ташқари намоён бўладиган кўринишларидан бири бўлган бўғим синдромининг келиб чиқиш сабабларини ўрганишга ва НCVaA нинг учраш кўрсаткичларини баҳолашга бағишланган (Сасоуб Р. et al., 2008; Ferri С. et al., 2016; Каратеев Д.Е., 2016; Дюйшеева Г. М., 2015; Насонов Е.Л.2017). НCVaA аҳоли орасида учрашини таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Giordano ва ҳаммуаллифлари СВГС билан оғриган беморларнинг 7,1% да артралгия қайд этди. Т.М. Игнатова сурункали гепатит С билан касалланган 229 беморнинг 107 (46,7%) да жигардан ташқари шикастланишларни кузатди. Бўғимдаги ўзгаришлар беморларнинг 21 фоизда (229 кишидан 48), аёлларда 6 маротаба кўпроқ учради. Бошқа манбаларга кўра, уларнинг учраши 67-74% га етиши мумкин (Олюнин Ю.А., 2008). MULTIVIRC гуруҳининг сурункали ВГС инфекцияси бўлган 1614 нафар беморда ўтказилган илмий тадқиқоти натижасида НCVнинг жигардан ташқари кўринишларининг тадқиқот гуруҳидаги субъектлар орасида 74% ҳолатларда тарқалганлигини маълум бўлди (Сасоуб Р. et al., 2008). Бироқ, айрим беморлар гуруҳида касалликнинг салбий оқибатларини ривожланишига олиб келадиган аниқ механизмлар ҳозирча номаълум (Хикматуллаева А.С., Абдукадырова М.А., Асилова М.У., 2016).

Бугунги кунда ҳозирги ноқулай эпидемиологик вазият бутун дунёда, шунингдек МДХ мамлакатларида сурункали гепатит билан касалланиш ҳолатининг барқарор ортиб бориш тенденцияси билан тавсифланади. Э.И.

Мусабаев ва ҳаммуаллифларининг фикрича (2017) айнан шу ҳолат бизнинг минтақамизда ҳам аҳолининг барча ёш гуруҳларида, айниқса, ёш ва меҳнатга лаёқатли кишиларда кузатилади. СВГС тарқалишининг кўпайиши ва вирусга қарши терапиянинг камлиги шароитида беморларнинг деярли ярмида жигардан ташқари клиник белгилар учраши ортиб бориш эҳтимоли юқори бўлиб қолмоқда. Сурункали вирусли гепатитда бўғимлардаги патологик жараёнларнинг белгилари одатда продромал даврда артралгия ёки артрит билан намоён бўлиб, моно-олигоартрит шаклида кечади. Бу эса СВГС билан боғлиқ бўлган артритнинг (НСVaA-гепатит С билан ассоциирланган артрит) клиник кўриниши, айниқса касалликнинг дастлабки босқичларида, ревматоид артритга (РА) жуда ўхшашлигини ифодалайди ва ушбу икки касалликни бир биридан фарқлаш мақсадида таққослама ташҳислаш ўтказишнинг аҳамиятини асослайди (Palazzi С., et al., 2016; Sayiner Z.A. et al., 2014; Олюнин Ю.А., 2018).

НСVaA мустақил ревматик касаллик бўлиб, у кўпинча криоглобулинемия (КГЕ) фонида аутоиммун қайталанувчи олигоартрит шаклида кечади, аммо ушбу касаллик КГЕ мавжуд бўлмаганда ҳам юзага келиши мумкин ва сурункали яллиғланиш жараёнининг носпецифик кўриниши бўлиши мумкин. КГЕ мавжуд бўлмаганда кечувчи шакли айниқса РАга жуда ўхшаш тарзда намоён бўлади (Oliveri I., et al., 2013; Palazzi С., et al., 2016; Rivera J., et al., 2000; Zuckerman E., et al., 2000; Rozenbaum M., et al., 2014).

Шунингдек, бугунги кунда НСVaA ни даволаш муаммоси ҳам қатор олимлар томонидан ўрганилганлигига қарамадан долзарблигича қолмоқда. Артрит учун стандарт терапия ишлаб чиқилмаган ва эмпирик тарзда амалга оширилмоқда (Балабанова Р.М., 2008). Ностероид яллиғланишга қарши дори воситаларини (НЯҚВ) қўллашнинг ижобий таъсири бизга маълум. Бироқ, вирусли инфекция натижасида келиб чиққан гепатит ва циррозни даволашда, ушбу гуруҳ воситаларининг мавжуд ноўя таъсирлари туфайли НЯҚВни тайинлаш ревматологлардан алоҳида эҳтиёткорлик талаб қилади. Юқорида баён этилганлардан келиб чиқиб, НСVaA нинг кечиш хусусиятларини ўрганиш ҳамда уни даволашдаги жиҳатларини такомиллаштириш замонавий тиббиётнинг ниҳоятда муҳим муаммоси ҳисобланади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажариладиган олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Тошкент тиббиёт академиясининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №011800229 “Ички касалликларни ташҳислаш ва даволаш самарадорлигини оширишнинг янги йўллари қидириш. Профилактиканинг рационал йўллари” мавзуси доирасида бажарилган (2019-2022 й).

Тадқиқотнинг мақсади сурункали гепатит С билан оғриган беморларда НСV ассоциирланган артритнинг клиник намоён бўлиши ва даволаш хусусиятларини баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

сурункали вирусли гепатит С билан оғриган беморларда НСV билан ассоциирланган артритнинг юзага келиш сонини асосий касалликнинг фаоллиги, клиник кечиши ва давомийлигини ҳисобга олган ҳолда проспектив таҳлил қилиш;

сурункали вирусли гепатит С ташҳисли ҳамда ассоциирланган артритли беморларни клиник, лаборатор, молекуляр-генетик усуллар, асбоб-ускуналар ёрдамида текширувлардан ўтказиш, уларда кузатиладиган артритнинг клиник хусусиятлари баҳолаш ва олинган маълумотларни таққослаш;

қон зардобида яллиғланиш олди цитокинлари - интерлейкин-6 (ИЛ6), ўсма некрози омили альфа (ЎНО-α) генининг полиморфизми ва экспрессиясини касаллик ривожланиши, клиник кечишида прогностик аҳамиятини баҳолаш;

сурункали гепатит С ва ассоциирланган артритли беморларда ностероид яллиғланишга қарши воситаларнинг самарадорлиги ва хавфсизлигини динамикада кузатиш ва баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2018 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси эпидемиологик, микробиологик ва юқумли касалликлар илмий текширув институти (ЭМЮКИТИ) клиникасининг бўлимларида стационар даволанган сурункали вирусли гепатит С ташҳиси қўйилган 280 нафар беморлар олинган.

Тадқиқотнинг предметини вена қони, капилляр қон, қон зардоби, беморларнинг клиник, лаборатор, молекуляр-генетик ва инструментал текширувлар (бўғимлар рентгенологик ва УТТ, фиброскан ва ҳ.к.) материаллари ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда клиник (ВАШ бўйича оғриқни баҳолаш), лаборатор таҳлиллар, иммунологик (генотиплаш, циклик цитруллинга қарши антитаналар (ЦЦПА) титри), молекуляр-генетик (ИЛ6 полиморфизми ва ЎНО-α экспрессияси), инструментал (динамик ультратовуш, рентгенография, эластометрия) ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қўйидагилардан иборат:

сурункали вирусли гепатит С билан ассоциирланган артритда вирусли гепатит С нинг давомийлиги узайиши, унинг фаоллик даражаси ошиши, вируснинг 1b генотипи, бўғимларнинг ультратовуш текшируви бўйича синовит ва периартрит мавжудлиги орасида боғлиқлик аниқланган;

синовит ва периартритнинг давомийлиги ҳамда клиник кечишининг оғирлашиши кўрсаткичлари билан сурункали гепатит фаоллик даражасининг ортиши ҳамда вируснинг 1b генотипи орасидаги боғлиқлик аниқланган;

яллиғланиш олди цитокинлари - ИЛ-6 полиморфизми, ЎНО-α нинг экспрессияси касалликнинг ривожланиши ва кечишининг прогностик маркери сифатида асосланган;

сурункали гепатит С билан ассоциирланган артритли беморларда яллиғланишга қарши даво самарадорлиги ва хавфсизлиги баҳолаиб, касалликнинг белгилари камайишига олиб келиши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қўйидагилардан иборат:

тадқиқот давомида сурункали вирусли гепатит С билан оғриган беморларда ассоциирланган артритнинг мавжудлигини аниқлаш учун сўровнома ишлаб чиқилган;

сурункали вирусли гепатит С билан оғриган беморларда HCV - ассоцирланган артритнинг клиник кечиши оғирлигининг башорат қилувчи омили сифатида ИЛ6 полиморфизми ва ЎНО- α экспрессиясининг аҳамияти аниқланган;

тадқиқот натижасида ушбу тоифадаги беморларни даволашда ЯҚНВ нинг самарадорлиги ва хавфсизлигини ҳисобга олган ҳолда танлаш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларнинг ишончлилиги. Тадқиқот ишида қўлланиладиган назарий ёндашувнинг тўғрилиги, тасдиқланган замонавий, бир-бирининг ўрнини тўлдирувчи клиник-инструментал, лаборатор, молекуляр-генетик усуллар ҳамда етарли даражада беморларнинг сони, ўтказилган таҳлиллар натижаларининг аниқлиги ва статистик ишлов берилганлиги, шунингдек, олинган маълумотларни халқаро ва маҳаллий тадқиқотлар натижалари билан таққосланганлиги, хулосалар ҳамда олинган натижаларнинг асосланганлиги ва уларнинг ишончлилигини ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, сурункали вирусли гепатит С ташҳисли беморларда HCV ассоцирланган артрит келиб чиқиши, тарқалиши, кечиши ва башорати тасвирига эга булган концепцияларни асослаб бериши ҳамда яллиғланиш цитокинлари ИЛ6 полиморфизми ва ЎНО- α экспрессиясининг прогностик ролини баҳолаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти қўлга киритилган натижалар асосида шаклланган амалий тавсияларнинг тадбиқ этилиши, беморларни эрта ташҳислаш ва даволаш режасини тузиш, касалликнинг авж олишини секинлаштиришга олиб келиши билан ифодаланиб, ушбу натижалар ёрдамида HCVaA билан касалланган беморларнинг ҳолатини назорат қилиш, касалхонага даволаниш кунларини камайиши ҳамда эрта ногиронлик юзага келиш хавфини камайтириш, беморларнинг ҳаёт сифати ва меҳнат қобилиятини яхшилашга эришилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Сурункали гепатитли беморларда ассоцирланган артритни кечиши ва даволашнинг хусусиятларини баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

“Сурункали вирусли гепатит билан ассоцирланган артритни ташҳислаш усули” услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигини 2020 йил 31 декабрдаги 8н-р/662-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома HCVaA нинг кечишини башорат қилиш ва эрта ташҳислашни муқобиллаштириш имконини берган;

“Гепатит С билан ассоцирланган артритнинг даволаш схемаси” услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигини 2020 йил 31 декабрдаги 8н-р/663-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома HCVaA ни даволаш тадбирлари самарадорлигини, турғун ремиссия ёки рецидив ҳолатларини баҳолаш имконини берган;

сурункали гепатит билан оғриган беморларда ассоциирланган артритни кечиши, ташҳислаш ва даволашни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникаси, Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий маркази ва Самарқанд вилояти Пастдарғом тумани тиббиёт бирлашмаси амалиётига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигини 2021 йил 31 мартдаги 8н-д/59-сон маълумотномаси). Олинган натижаларнинг амалиётга тадбиқ этилиши, эрта ташҳислашни, касаллик кечишини башорат қилиш, келиб чиқадиган асоратларни ўз вақтида олдини олишни муқобиллаштириш ҳамда беморлар ҳаёт сифатини яхшилаб, даволаш чора-тадбирларининг самарадорлигини ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 8 та илмий анжуманларда муҳокама қилинган, жумладан 4 таси халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокомадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан, 8 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 108 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертация ишининг **кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва талабга мослиги асосланган, тадқиқот мақсад ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлиги асосланган, уларнинг илмий ва амалий аҳамиятлари очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, ишнинг апробацияси натижалари, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Вирусли гепатитлар билан ассоциирланган артритни ташҳислаш ва даволаш масалаларининг ҳозирги ҳолати»** деб номланган биринчи бобида сурункали гепатит С билан ассоциирланган артритнинг тиббий ижтимоий аҳамияти ва уларнинг келиб чиқиши, клиникаси, ташҳислаш, таққослама ташҳисоти ва даволашнинг замонавий қарашлари, хусусиятлари таҳлил қилинган.

Диссертациянинг **«Тадқиқот субъектларининг клиник хусусиятлари ва қўлланиладиган тадқиқот усуллари»** деб номланган иккинчи бобида клиник материалларнинг тавсифи ва қўлланилган тадқиқот усуллари акс

этирилган. Тадқиқот 2018 йилдан 2021 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикаси эпидемиологик, микробиологик ва юқумли касалликлар илмий текширув институти базасида ўтказилган. Мазкур илмий иш сурункали гепатит бўйича маслаҳат олиш учун ва стационар даволаниш учун мурожаат қилган 280 нафар беморлар орасидан синов сўровномаси босқичидан сўнг бўғим синдроми мавжудлиги асосида ажратиб олинган 52 нафар беморларнинг ҳамда ревматологик ўзгаришлар мавжуд бўлмаган 36 нафар гепатит С ташҳисли беморларнинг клиник-лаборатор, молекуля-генетик ва инструментал кўрсаткичларини таҳлил қилишга асосланган.

Текширилаётган беморлар асосий гуруҳи 52 нафар бемордан иборат бўлиб, 20 ёшдан 45 ёшгача беморлар қамраб олинди. Асосий гуруҳдаги барча беморларга гепатит С вируси (HCV) билан ассоциирланган артрит (HCVaA) ташҳиси қўйилган бўлиб, ташҳис полимераза занжир реакцияси (ПЗР) орқали HCV га қарши антитана (анти - HCV) ва HCV РНКсининг мавжудлиги орқали тасдиқланди. Шу билан бир қаторда, HCVaA белгилани мавжуд бўлмаган 36 та HCV ли беморларни ўз ичига олган таққослаш гуруҳи ҳам шакллантирилди.

Тадқиқотга киритилиш мезонлари:

1. Ёш: тадқиқотга 20 ёшдан 45 ёшгача бўлган беморлар жалб этилди;
2. Гепатит билан оғриган беморларда ассоциирланган артритнинг мавжудлиги;
3. Беморлар томонидан тадқиқотда ихтиёрий равишда иштирок этаётганликлари ва розилиги ҳақида ёзма огоҳлантириш хати берилди.

Мустасно қилиш мезонлари:

1. Юрак етишмовчилиги;
2. Оғир артериал гипертония;
3. Қандли диабет;
4. Онкологик касалликлар;
5. Туберкулёз;
6. Бошқа турли вирусли касалликлар;
7. Жигар функцияси оғир етишмовчиликлари;
8. Ифодаланган буйрак етишмовчиликлари (КФТ <30 мл/мин/1.73 м²);
9. Яра касаллиги авж олиш босқичи;
10. Ҳомиладорлик;
11. ОИВ билан инфицирланганлик;
12. Анамнезида НЯҚВ ни кўтара олмаслик мавжуд беморлар;
13. Тизимли ревматик касалликлари мавжуд беморлар.

Беморларни текшириш уларнинг бўлимга мурожаатидан сўнг бошланди. Умумий кўрик, анамнез йиғиш, беморлар ҳолатининг оғирлигини баҳолаш ва лаборатор синовлар, умумий ва биокимёвий қон таҳлиллари, қон гуруҳи ва резус-омил аниқлаш, қорин бўшлиғи аъзолари ва бўғимлар ултратовуш текшируви ҳамда рентгенографияси, кўрсатмалар бўйича тегишли мутахассисларнинг маслаҳатлари ўтказилди. Лаборатория синовлари

периферик қоннинг гематологик таҳлилларини қамраб олди; биокимёвий кўрсаткичларни аниқлаш: умумий оксил ва уларнинг фракциялари, билирубин, трансминазалар, ишқорий фосфатаза, глюкоза; қон ивиш тизими ҳолатини баҳолаш; қон ва сийдикнинг умумий таҳлили. Барча лаборатория текширувлари стандарт усуллар асосида олиб борилди. Тадқиқотлар Ўзбекистон Республикаси эпидемиологик, микробиологик ва юқумли касалликлар илмий текширув институти базаси бўлимлари ва лабораториясида, Ўзбекистон Республикаси Гематология ва Қон Қуйиш Илмий-Тадқиқот институтида ҳамда “IRODAMED” клиникасида олиб борилди. Беморларнинг қон намуналарини тўплаш Ўзбекистон Республикаси эпидемиологик, микробиологик ва юқумли касалликлар илмий текширув институти базаси ҳудудида ўтказилди. 3 мл миқдоридаги веноз қон 5 мл ли кутайнер (ЭДТА) га йиғилиб - 20°C да сақланди.

Қорин бўшлиғи аъзолари ва бўғимларнинг ултратовуш текшируви «MINDRAY DC-80, 21,5» аппарати ёрдамида амалга оширилди. Ултратовуш текшируви давомида ошқозон ости беши, жигар, ўт пуфагининг ҳажми ва бўғимлар бўшлиғи, синовиал парда ҳолати, акустик тузилиши баҳоланди.


Эластометрия (жигарни фибросканирлаш) Фиброскан® 502 Touch сенсорли қурилмаси воситасида ноинвазив усулда жигар фиброзининг даражасини аниқлаш амалга оширилди.

Натижаларга статистик қайта ишлов беришда STATISTICA 6.0 Microsoft Excel компьютер дастуридан фойдаланилди. Тарқалганлик ҳақидаги маълумотлар тегишли ёш ва жинс гуруҳидаги шахслар сонига нисбатан фоизларда ўрганилди. Ўртача қийматлар Студент мезони билан ҳисоблаб чиқилди, ўртача хатолик $M \pm m$ деб белгиланди. Ушбу таҳлиллар Open EpiV 9.2 тўплами, Case-Control моделини қўллаш орқали амалга оширилди.

Диссертациянинг учинчи **«Сурункали вирусли гепатит С билан ассоциирланган артритнинг кечишининг клиник хусусиятлари»** номли боби тўрт кичик қисмдан иборат бўлиб, сурункали вирусли гепатит С ташҳисли беморларда HCV ассоциирланган артрит билан касалланишнинг тарқалишини баҳолаш, ушбу тоифа беморларда ассоциирланган артрит кечишининг клиник-лаборатор хусусиятлари, HCV ассоциирланган артрит билан касалланган беморларда касаллик ривожланиши ва клиник кечишида яллиғланиш олди цитокинлари ИЛ6 ва ЎНО-а аҳамиятини баҳолаш ва асбоб-ускуналар ёрдамида текшириш усулларида олинган натижалар кетма-кетликда келтирилган.

Шуни қайд этиш керакки, **«Сурункали вирусли гепатит С билан оғриган беморларда HCV билан ассоциирланган артритнинг юзага келиш частотасини асосий касалликнинг фаоллиги, клиник кечиши ва давомийлигига кўра таҳлили»** қисмида СВГС билан оғриган 280 беморлар ўртасида бўғим синдроми борлигинини аниқлаш мақсадида ўтказилган синов сўровнома натижалари қайд этилди. Бунда, беморларнинг асосий касаллиги артрит билан ассоциирланиши ва ассоциирланмаслик ҳолати қараб гуруҳларга тақсимланиши қуйидагича бўлди: **81,4%** ҳолатида гепатит ассоциирланган

артритсиз кечганлиги аниқланди, бўғимларнинг зарарланиши, аниқроғи ассоциирланган артрит кузатилиши **18,5%**ни ташкил қилди (1-расм).




1-расм. СВГС беморларида ассоциирланган артритнинг тарқалиши

Шундай қилиб, ўтказилган сўровнома натижаларига кўра бўғимлар зарарланишининг учраши СВГС ташҳисли беморларда **18,5 %** ни ташкил қилган. Бу гуруҳдаги эркеклар ва аёллар нисбати 1,2:1, СВГС беморлар ўртача ёши ($M \pm m$) $38,9 \pm 1,4$ га тенг. Бунда 35% беморлар меҳнатга лаёқатли, яъни 31-40 ёшда бўлишган.

НСVaA ташҳисли асосий гуруҳ беморларининг **48 нафари (92,3%)** бўғимлардаги оғриқларга, **29 (55,7%) нафари** – зарарларган бўғимлар соҳасидаги шишларга, **20 (38,4%)** нафар бемор бўғимларда ҳаракатнинг чекланишига, **17 (32,7%)** бемор – бўғимларда қарахтликка шикоят қилишган.

Бўғимлардаги оғриқлар кўп ҳолатларда ўзгарувчан характерга эга ва асосий касаллик фаоллиги ошган пайтда кучайган.

52 нафар бемордан иборат бўлган НСVaA ташҳисли беморлар гуруҳидан, бўғимлар УТТ маълумотларига кўра **29 (55,7%) нафарида** – бўғим синдроми полиартрит кўринишида, **17 (32,7%) нафарида** – тизза бўғимлари олигоартрит кўринишида, **5 (9,6%) нафарида** – болдир-товон бўғимлари олигоартрити кўринишида, **1 (1,9%) нафарида** – яллиғланиш аломатларисиз полиартралгия кўринишида кечган (2-расм).



2-расм. Асосий гуруҳ беморларида HCVaA да бўғимдаги ўзгаришларни кечиш хусусияти бўйича нисбати (%)

“HCVaA ташҳисли беморларидаги биокимёвий таҳлиллар кўрсаткичлари” кичик бобида қоннинг биокимёвий таҳлиллари натижалари бўйича беморларда билирубин миқдори ошиши: асосий гуруҳда – 13 (25%) беморда, солиштириш гуруҳида – 7 (22,2%) беморда; АлАТ миқдорини ошиши: асосий гуруҳда – 43 (82,7%) беморда, таққослаш гуруҳида – 25 (69,4%) беморда; ГГТП кўрсаткичининг ошиши: асосий гуруҳда – 8 (15,3%) беморда, солиштириш гуруҳида – 5 (13,8%) беморда; ИФ миқдорининг ошиши: асосий гуруҳда – 45 (86,5%) беморда, солиштириш гуруҳида – 26 (72,2%) беморда; тимолли синама (проба): асосий гуруҳда – 23 (44,2%) беморда, солиштириш гуруҳида – 20 (55,5%) беморда; альбумин миқдорининг камайиши: асосий гуруҳда – 12 (23%) беморда, солиштириш гуруҳида – 13 (36,1%) беморда кузатилди. Бунда ИФ асосий гуруҳда анча юқори бўлган ($p < 0,05$), гипоальбуминемия таққослаш гуруҳида анча юқори даражада намоён бўлган ($p < 0,05$). Бошқа биокимёвий кўрсаткичлар бўйича сезиларли фарқ аниқланмади (1-жадвалга қаранг).

Олинган натижаларга кўра гепатит касаллиги давомийлиги, унинг фаоллиги, эластография маълумотлари бўйича жигар фибрози яққоллиги даражаси ва асосий биокимёвий кўрсаткичлар даражасининг ўзгаришлари ўртасида боғлиқлик мавжудлиги аниқланди.

СВГС беморларининг асосий ва назорат гуруҳларидаги биокимёвий кўрсаткичларининг солиштирилган хусусиятлари (M±m)

Асосий биокимёвий кўрсаткичлар	Тадқиқот гуруҳлари			
	НСVаА ташхисли беморлар (N=52)	СВГС ревматологик белгиларсиз (N=36)	P	Меъёр кўрсаткичлари
Умумий билирубин (мкмоль/л)	17,10 ± 6,30	16,90 ± 5,75	Ишончсиз	20,5 мкмоль/л гача
АлАТ (Е/л)	60,08 ± 17,82	61,85 ± 16,76	Ишончсиз	А. 34 Е/л гача Э.45 Е/л гача
АсАТ (Е/л)	47,20 ± 19,84	53,45 ± 20,35	Ишончсиз	А. 31 Е/л гача Э.37 Е/л гача
ГГТП (Е/л)	31,20 ± 18,20	31,80 ± 15,73	Ишончсиз	А.7-32 Е/л Э.11- 50 Е/л
ИФ (Е/л)	140,50 ±49,20	14,96 ± 55,85	<0,05	А.42- 105 Е/л Э.53- 115 Е/л
Тимол синамаси (ЕД)	5,01 ± 1,29	5,20 ± 1,02	Ишончсиз	5 ЕД гача
ХС (ммоль /л)	4,63 ± 0,60	4,46 ± 0,80	Ишончсиз	5 ммоль/л гача
Креатинин (мкмоль /л)	92,72 ± 10,01	89,87 ± 10,65	Ишончсиз	А.80-133 Е/л Э.62- 115 Е/л
Мочевина (ммоль /л)	6,10 ± 1,31	5,32 ± 1,45	Ишончсиз	1,7-8,3 Моль/л
Альбумин (г/л)	37,38 ± 3,88	37,11 ± 3,46	<0,05	А.38-47 Е/л Э.39-47 Е/л

Бунда гепатит қанча узоқ давом этса, фиброз ривожланиш даражаси шунча яққол кўринган бўлади ва у қанча фаол бўлса, билирубин, АлАТ, АсАТ, ГГТП, ИФ, тимол синамаси миқдори шунча юқори бўлади, ВАШ бўйича бўғимлардаги оғриқлар ҳамда альбуминемия анча яққол кўринган бўлади. Альбуминемия ўз навбатида тимол синамаси кўрсаткичлари билан корреляцияланади.

Диссертациянинг «НСV ассоциирланган артрит билан касалланган беморларнинг иммунологик таҳлиллари натижалари» қисмида энг муҳим таҳлиллардан бири бўлган, генотиплаш (вирус генотипини аниқлаш) ўтказилди ва бу ПЗР таҳлиллари эвазига эришадиган натижаларимизни янада тўлдирди. Бу текширишларда СВГС беморларининг вирус генотипи бўйича асосий ва солиштириш гуруҳларида тақсимлаш асосида қизиқ маълумотлар олинди. Асосий гуруҳда 57,69% ҳолатда 1в вирус генотипи аниқланган. Бир вақтда солиштириш гуруҳида бу генотип фақат 36,11 % ида аниқланган (2 – жадвалга қаранг).

2-жадвал

НСVаА ташҳисли беморларни сурункали вирусли гепатит С нинг турли генотиплари бўйича тақсимланиши

Вирус генотипи	НСVаА ташҳисли асосий гуруҳ беморлари орасида учраш тезлиги (%) n=52	Таққослаш гуруҳи беморлари орасида учраш тезлиги (СВГС НCVаА белгиларисиз) (%) n = 36
1 a	1 (1,92 %)	1 (2,77 %)
1 b	30 (57,69%)	13 (36,11 %)
2 a/b	4 (7,69 %)	4 (11,11 %)
3 a/b	15 (28,84 %)	15 (41,66 %)
Бир неча генотипли беморлар сони	2 (3,84 %)	3 (8,33 %)

Бу билвосита равишда 1b вирус генотипи жигардан ташқари кўринишларнинг бўғим синдромини ўзига олган ҳолатда ҳам ривожланишига мойил бўлувчи фактор ҳисобланиб, асосий касалликнинг кечишини оғирлаштиради. Солиштириш гуруҳида артрит белгилари мавжуд бўлмаган беморларда 41,66% ҳолатда аниқланган 3a/b вирус генотипи фақат 28,84% ҳолатда асосий гуруҳда аниқланди.

3-жадвал

Муайян вирус генотипларига боғлиқ равишда сурункали вирусли гепатит С билан ассоциирланган артритнинг клиник кўринишлари

Вирус генотипи		Сурункали вирусли гепатит С билан ассоциирланган артритнинг ифодаланиши						
		Артралгия давомийлиги:			Бўғимларда оғрик мавжудлиги	Зарарланган бўғимларда шиш мавжудлиги	Бўғимларда карахтлик мавжудлиги	Бўғимларда ҳаракат чекланиши
		5	6 -10 йил	10 йилдан ортиқ				
Вирус генотипи	Беморларнинг умумий сони	10	35	7	48 та	29	17	20
1 a			1		1	1		1
1 b		7	17	6	27	13	7	8
2			3	1	4	4	4	4
3a/b		3	12		14	9	4	5
Бир неча генотипли беморлар сони			2		2	2	2	2

Шундай қилиб, вируснинг 1b генотиби бўлган беморларда ассоциирланган артрит ривожланиш эҳтимоли катта ва бундай ҳолларда мутахассиснинг ўз вақтида мақсадли маслаҳати зарур.

Диссертациянинг «**НСV ассоциирланган артрит билан касалланган беморларда касаллик клиник кечишида яллиғланиш олди цитокинлари (ИЛ-6 ва ЎНО- α) аҳамиятини баҳолаш**» мавзусидаги кичик бобида НСV билан ассоциирланган артрит этиопатогенезида ИЛ6 генининг С-174G локуси ва TNF α генининг G/A локуси полиморфизмлари аҳамиятини таҳлил қилиш мақсадида НСVaA ташхиси қўйилган 75 нафар беморда ва ўзбек миллатига мансуб 82 нафар шартли соғлом донорларда ўтказилган ассоциатив тадқиқотлар кўрсаткичлари натижалари келтирилган (4- ва 5-жадвал).

4-жадвал

НСVaA ташхисли беморлар ва назорат гуруҳларида ИЛ6 генининг С 174 G локуси аллел ва генотипларининг полиморфизмини тарқалиши

№	Гуруҳлар	Аллеллар частотаси				Генотиплар тарқалиш частотаси					
		C		G		C/C		C/G		G/G	
		n	%	n	%	n	%	N	%	n	%
1	Асосий гуруҳ n=75	36	24,0	114	76,0	3	4,0	30	40,0	42	56,0
1.2	НСVaA n =52	27	26,0	77	74,0	1	1,9	25	48,1	26	50,0
1.3	НСV артрит белгиларисиз n = 23	9	19,6	37	80,4	2	8,7	5	21,7	16	69,6
1.4	Назорат гуруҳи n= 82	32	19,5	132	71,7	3	3,7	26	31,7	53	64,6

5-жадвал

НСVaA ташхисли беморлар ва назорат гуруҳларида TNF α генининг G/A локуси аллел ва генотипларининг полиморфизмини тарқалиши

Гуруҳлар	Аллеллар				Генотиплар						
	G		A		G/G		G/A		A/A		
	n	%	n	%	n	%	n	%	n	%	
1.	Асосий гуруҳ n=75	134	89,3	16	10,7	59	78,7	16	21,3	0	0.0
1.1.	НСVaA=52	92	88,5	12	11,5	40	76,9	12	23,1	0	0.0
1.2.	НСV артрит белгиларисиз = 23	40	86,9	6	13,1	19	82,6	4	17,4	0	0.0
2.	Назорат гуруҳи n= 82	153	93,3	11	6,7	71	86,6	11	13,4	0	0.0

**НСV ассоциирланган артритли ва артрит белгилари аниқланмаган
гуруҳларда IL6 генининг C-174G локуси полиморфизми
аллел ва генотипик вариантлари учрашининг фарқлари**

Аллеллар ва генотиплар	Таҳлил қилинган аллеллар ва генотиплар миқдори				χ^2	P	RR	95% CI	OR	95% CI
	1-кичик гуруҳ n=52		2-кичик гуруҳ n=23							
	n	%	n	%						
C	27	26,0	9	19,6	0,7	0,4	1,3	0,67- 2,593	1,4	0,616- 3,373
G	77	74,0	37	80,4						
C/C	1	1,9	2	8,7	1,9	0,2	4,5	0,43- 47,39	4,9	0,417- 56,48
C/G	25	48,1	5	21,7	4,6	0,03	2,2	0,96- 5,048	3,3	1,07- 10,32
G/G	26	50,0	16	69,6	2,5	0,1	1,4	0,948- 2,04	2,3	0,80- 6,475

6-жадвал, C-174G полиморфизмининг аллел ва генотипларини тақсимлашининг кичик гуруҳлардаги ва артритсиз тақсимот частоталарини қиёсий таҳлил қилиш натижаларини тақдим этади. Пастки гуруҳларда бу локуснинг аллеллари ва генотипларининг частоталарини тақсимлашни таҳлил қилишда артритли беморларнинг кичик гуруҳида (1 кичик гуруҳ) 2-кичик гуруҳга нисбатан (48,1% ва 21,7% га нисбатан) салбий C/G генотипининг ташувчиси улушининг сезиларли даражада ошиши кузатилди. Шу билан бирга, ушбу аллелни аниқлаш эҳтимоли нисбати OR=3,3, касалликлар ривожланишининг нисбий хавфи RR=2,2 да $\chi^2=4,6$; $p=0,03$ ни ташкил этди.

Шундай қилиб, ушбу генотипик вариантни ташувчиларида НCVaA патологиясининг ривожланиш хавфи 2,2 марта ошади.

Ушбу генининг ассоциирланган артритнинг ривожланиши билан ассоциатив алоқасини ўрганишда TNF α генининг G/A локуси функционал жиҳатдан салбий гомозигот генотипининг сезиларли ассоциацияси мавжуд эмаслиги аниқланди. НCVaA ташхисли беморлар гуруҳи ўртасида, шунингдек, кичик гуруҳлар ва назорат гуруҳи ўртасида салбий гетерозигот генотипининг пайдо бўлиш частотасидаги фарқлар статистик жиҳатдан ишончсизлиги аниқланди. Ушбу генотипнинг ташувчиларида $\chi^2=1,7$ ва $p=0,2$ га тенг бўлган ҳолатда имконият нисбати OR =1,7, патологияни ривожлантиришнинг нисбий хавфи ҳам RR =1,7 га тенг бўлди.

Асосий гуруҳ ва назорат гуруҳидаги беморларда TNF α генининг G/A локуси полиморфизми аллел ва генотипик вариантлари учрашининг фарқланишлари

Аллеллар ва генотиплар	Таҳлил қилинган аллеллар ва генотиплар миқдори				χ^2	P	RR	95% CI	OR	95% CI
	Асосий гуруҳ		НГ							
	n	%	n	%						
G	134	89,3	153	93,3	1,6	0,2	1,6	0,76-3,317	1,7	0,74-3,703
A	16	10,7	11	6,7						
G/G	59	78,7	71	86,6	1,7	0,2	0,9	0,78-1,051	0,6	0,246-1,326
G/A	16	21,3	11	13,4	1,7	0,2	1,6	0,78-3,205	1,7	0,754-4,061
A/A	0	0,0	0	0,0						

Олинган натижаларга асосланиб, ушбу полиморфизм HCVaA ривожланишида жуда муҳим рол ўйнамайди деган хулосага келишимиз мумкин. Аммо шуни таъкидлаш керакки, ушбу полиморфизм учун генотипларнинг тарқалишини таҳлил қилишда, HCVaA билан касалланган беморларнинг кичик гуруҳида TNF α генининг мутант G/A генотипи частотасининг назорат гуруҳлари билан таққослаганда ўсиш тенденцияси мавжуд. Ушбу факт бу генотипнинг HCVaA билан ривожланиши билан боғлиқлигини ва салбий таъсирини кўрсатиши мумкин.

HCVaA юзага келиш хавфи билан боғлиқ генотипик бирикмаларни ёки "генлараро бирикмалар" ни қидириш учун IL6 C-174G ва TNF α G/A генларининг "ген-ген ўзаро таъсири" таҳлил қилинди. Натижалар 7, 8 ва 9 жадвалларида келтирилган.

Асосий ва назорат гуруҳи беморларнинг иккала номақбул генотиплар ўзаро таъсирлари тарқалиши тафовутлари

Аллел ва генотиплар	АГ	НГ	χ^2	P	RR	95% CI	OR	95% CI
+	11	5	3,1	0,07	2,4	0,87- 6,60	2,6	0,874-8,014
-	64	77						

Ушбу генларнинг ўзаро таъсирини таҳлил қилиш натижасида HCVaA ривожланиш хавфини аниқлайдиган ўзаро таъсир қилувчи генотиплар аниқланди. Бизнинг маълумотларга кўра, IL6 C174G ва TNF α G/A генларининг полиморфизмининг номақбул генотиплари HCVaA ривожланишига мойилликнинг шаклланишига сезиларли ҳисса қўшади.

**1-кичик гуруҳ ва назорат гуруҳи беморларнинг иккала номақбул
генотиплар ўзаро таъсирлари тарқалиши тафовутлари**

